



## ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ БАҲОЛАШ МЕТОДИКАЛАРИ ҲАМДА ТАРКИБИЙ ИНДИКАТОРЛАРИ

Дилдора Досчанова Ибадуллаевна  
“Бизнес ва тадбиркорлик Олий мактаби”  
мустақил тадқиқотчиси ( PhD )  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7515606>

### ARTICLE INFO

Received: 28<sup>th</sup> December 2022

Accepted: 08<sup>th</sup> January 2023

Online: 09<sup>th</sup> January 2023

### KEY WORDS

Халқаро рейтинглар,  
индекслар, баҳолаш  
меъзонлари, индикатор ва  
суб-индикаторлар, меъёрий-  
ҳуқуқий асос,  
ривожланишнинг мақсадли  
стратегияси.

### ABSTRACT

Халқаро рейтинг ва индекслар мамлакатлардаги тегишли йўналишлардаги ривожланиш суратларини белгилаб берувчи глобал миқёсдаги баҳолаш ва қиёслаш институти бўлиб ҳисобланадилар. Улар томонидан амалга ошириладиган тадқиқотларнинг натижалари мамлакатлар ҳукуматларига ўз давлатларини ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишда устувор йўналишларни аниқлашга имкон беради.

Шу муносабат билан халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш фаолиятини тизимли йўлга қўйилганлиги ва унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилганлиги истлоҳотларнинг мақсадли равишда амалга ошириладиганлигидан далолат беради.

Мақолада Ўзбекистон Республикасида Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашнинг институционал ва меъёрий-ҳуқуқий асослари тавсифлаб берилган бўлиб, шу билан бирга бу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган масалалар ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритилган.

**КИРИШ.** Ҳукуматларнинг ўз мамлакатларини ривожлантириш борасида олиб бориладиган ислоҳотларнинг самарадорлигига ташқи муҳитдаги субъектлар ҳамда кенг жамоатчилик томонидан берилган баҳо мамлакат ичидаги давлат бошқарув органлари томонидан берилган баҳога нисбатан объективроқдир.

Шу нуқтаи назарда бугунги кунда дунёдаги халқаро рейтинг ва индексларни ишлаб чиқувчи халқаро ташкилолар ва агентликларнинг фаолияти хар қандай ҳукуматнинг ривожланиш стратегиясини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур масаланинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятини чуқур англаган ҳолда Ўзбекистон Республикасида халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш институционал даражада йўлга қўйилган бўлиб, мазкур йўналишдаги фаолиятнинг меъёрий ҳуқуқий асослари яратилган.

**АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.** Халқаро рейтинг ва индексларнинг шаклланиш тадрижи, улар фаолиятининг миссияси, стратегияси, баҳолаш методикалари таҳлиliga оид манбаалар



бу борадаги фаолиятнинг нақадар муҳимлиги, улар фаолиятининг асосий йўналишлари, бугунги кунда ахамият қаратиш жоиз бўлган долзарб муаммолар, шунингдек фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказишни талаб этувчи тизимли хатоликларни аниқлаш ва уларни баратараф этишнинг энг самарали усул ва услублари ҳақидаги қимматли маълумотларни ўзлаштиришга имкон беради.

Шу билан биргаликда нодавлат ташкилот сифатида фаолият юритувчи шундай халқаро рейтинг ва индекслар ҳам мавжудки, уларнинг фаолиятида муайян мамлакатлар манфаатларинигина илгари суриш ёки даромад олиш манбаи сифатида фаолият олиб бориш сингари салбий ҳолатлар ҳам мавжудки, бундай ҳолат бугунги кунда сони 100 дан ортиб кетган халқаро рейтинг ва индекслар субъектларига оид адабиётларнинг айримлари билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Очиқ манбааларда халқаро рейтинг ва индексларни ишлаб чиқувчи халқаро ташкилотлар ёки агентликлар фаолиятининг меъёрий ҳуқуқий асосларига оид масалаларни ёритишга қаратилган алоҳида адабиётлар камлигига қарамай иқтисодийнинг турли тармоқларининг илмий муаммолари билан шуғулланувчи бир қатор олим ва тадқиқотчилар, ҳамда соҳанинг амалиётчи-экспертларининг мавзуга оид масалалардаги мақолаларида ўзига хос фикрлар баён этилганлигини кузатишимиз мумкин.

Жумладан, М.В. Юрасова<sup>1</sup> рейтинг агентликларига мамлакатлар ҳукуматлари фаолиятининг муваффақиятини ўлчаш инструменти сифатида таъриф берган. Олима "...ўлчов тизимлари чекланган ресурсларни энг фойдали бўлиши мумкин бўлган жойга йўналтириш учун муҳим бошқарув воситаси бўлиб хизмат қилади деб тавсифлайди. Бунга майиший ҳаётимиздаги электр, газ, сув, иссиқлик ва бошқа коммунал хизматлар истеъмолини ҳисобга олиш амалиётини мисол сифатида келтиради. Агар хонадон эгаси ойналардан совуқ ва шамол ўтиши унга қанчага тушаётганлигини қанча тез аниқлаб, тўғри ўлчаб кўрса, бундай сифатсиз ойнани алмаштириш зарурати ҳақидаги масала шунчалик тез ҳал бўлади деб ҳисоблайди.

А.Шестопалова олий таълим соҳасидаги глобал рейтинг кўрстакларини ҳисоблашга ихтисослашган THE, ARWU ҳамда QS рейтинг агентликларининг олий таълим муассасаларини баҳолаш услубиётидаги ўзага хосликларга эътибор қаратишига алоҳида ахамият берган. Хусусан, THE рейтинг кўрсаткичларининг 33% фоизи экспертларнинг субъектив фикрлари асосида шаклланса, ARWU субъектив омилларни умуман инобатга олмаган ҳолда, рейтинг кўрсаткичларнинг 60% олий таълим муассасалари тадқиқотчи муаллифларининг илмий ижодларидан цитата ва хавола сифатида фойдаланганлик меъзони асосида шаклланишини қайд этади. QS рейтинги эса 50% экспертларнинг субъектив фикрлари ҳамда 30% хавола қилиниш даражаси асосида шакллантирилишини таъкидлайди. А.Шестопалова ўз хулосаларида халқаро рейтинг агентликлари олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятига кўпроқ ахамият қаратишини, поссовет олий таълим муассасаларида эса таълим бериш жараёнига кўпроқ ахамият берилишига эътибор қаратган.

<sup>1</sup> Юрасова М.В. Рейтинг муваффақиятини ўлчаш инструменти сифатида: тарафдорлар ва қаршиликлар. Юрасова М.В. - Социология фанлар номзоди, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат Университети Социология факультетининг Ташкилотлар социологияси ва менеджменти кафедраси доценти



А.С. Шаграй ва Л.М.Барсегян<sup>2</sup> сингари тадқиқотчилар “Давлатлар ва корпорацияларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш, шунингдек, рейтинг агентликларининг ички тузилмавий ислохотларини амалга ошириш зарур. Рейтинг агентликларини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш даражасини ошириш” лозим деб ҳисоблайди.

Тадқиқотчилар ўзларининг мазкур мулоҳазаларини Мазкур хулосага келишларига асос сифатида қимматли қоғозлар бозори субъектларига рейтинг кўрсаткичларини баҳолаб борувчи Standard & Poor's (S&P), Moody's Investors Service ва Fitch Ratings сингари “Катта учлик” агентликларининг 2008 йил бошида Америка қўшма штатларининг энг йирик банклари ҳисобланган Lehman Brothers, Merrill Lynch, Goldman Sachs ва Morgan Stanley сингари банкларига бир овоздан юқори рейтинг кўрсаткичларини берганликларини, аммо Lehman Brothers бир йилга қолмай банкротлик эълон қилганлиги билан изоҳлайдилар.

Россияда президент Б.Н. Ельциннинг 1997 йилдаги ““Интерфакс” ахборот агентлиги базасида Миллий рейтинг агентлигини ташкил этиш тўғрисида” ги фармони асосида “Интерфакс” ва “РА Эксперт” рейтинг агентликларини ташкил этилган. Россия Федерацияси Ҳукумати қошидаги Молия университети тадқиқотчиларининг<sup>3</sup> ўша даврдаги мамлакат президентнинг поссовет мамлакатлари ҳудудида маъмурий буйруқбозлик асосида ташкил этилган дастлабки рейтинг агентликлари фаолиятининг натижаларига берган хулосаларидан миллий рейтинг агентликларини сунъий яратиш амалиёти мақсадга мувофиқ эмас деган хулосага келиш мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили халқаро рейтинг агентликларининг тегишли соҳалардаги халқаро рейтинг кўрсаткичларини ишлаб чиқишдаги муаллифлик услублари улар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асосий сифатида қабул қилинишини кўриш мумкин. Мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ривожланиш даражалари табиийки, воқеа ходисларни баҳолашга ўзларига хос қараш ва ёндашувлар асосида турлича бўлишини инобатга олсак, бу омиллар халқаро рейтинг ва индексларни ишлаб чиқишнинг меъёрий – ҳуқуқий асослари ва ёндашувлари бир биридан фарқ қилишига бевосита таъсир ўтказиши табиий ҳол эканлигига амин бўламиз.

**МЕТОДОЛОГИЯ.** Халқаро рейтинг ва индекслар ишлаб чиқувчи субъектлар фаолиятининг меъёрий ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш услубини танлашда аввалам бор мазкур фаолият билан шуғулланиш фаолиятининг меъёрий ҳуқуқий асослари ва манбааларини таснифлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан халқаро рейтинг ва индекслар ишлаб чиқувчи агентликлар фаолияти доирасини белгилаб берувчи меъёрий-ҳуқуқий манбааларни қуйидаги 3 та турга тоифалаш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Халқаро рейтинг ва индексларни ишалб чиқиш усул ва услублари;

<sup>2</sup> Шаграй А.С., Барсегян Л.М., Рейтинг агентликлари ва уларнинг молиявий бозорларга таъсири. Беларус давлат Университетининг Бошқарув ва ижтимоий технологиялар институти. [core.ac.uk/download/pdf/290233037.pdf](http://core.ac.uk/download/pdf/290233037.pdf)

<sup>3</sup> Уличкина И.А., Уличкин Л.Ш. Рейтинг агентликларининг фаолияти: халқаро ва Россия тажрибаси. Journal of Economy and Business, vol. 5-4, DOI: 10.24411/2411-0450-2019-10736



2. Мамлакатларда халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашни институционаллаштиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;

3. Халқаро ташкилотлар миссия ва стратегик мақсадаларига йўналтирилган фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Халқаро рейтинг ва индекслар фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этишда, эвристик усулларни ҳам қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда фикрлари таҳлил қилишда муайян масалалард ёндашув ва манфаатлари бир бирларига муқобил бўлган экспертларни танлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Халқаро рейтинглар генерациясида очиқ маълумотлар манбаалари ва статистик маълумотлардан ҳам кенг фойдаланилади. Шу муносабат билан, халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашнинг меъёрий ҳуқуқий асосларини тадқиқ этишда статистик фаолиятни юритиш бўйича мамлакатдаги миллий ҳамда халқаро қонунчилик меъёрларини ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Халқаро рейтинг агентликларининг яна бир самарали инструментларидан бири бу ижтимоий сўровлар бўлганлиги сабабли, тадқиқотларда ижтимоий сўровлар ўтказиш методикалари ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятни меъёрий-ҳуқуқий асосларни ҳам назаримиздан четда қолдирмаслигимиз лозим бўлади.

Халқаро рейтинг ва индекслар фаолиятини тадқиқ этиш билан боғлиқ бўлган мавзулардаги илмий тадқиқотларда эконометрик моделлардан ташқари индукция, дедукция, синтез каби усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.** Ўзбекистон Республикасида халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш институтциоанл даражада йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7-мартдаги “Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида” ПФ-5687-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари раислигидаги, 14 та вазирлик ва идораларнинг масъул раҳбарлари иштирокидаги “Устувор халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашни мувофиқлаштириш бўйича комиссия” 2019 йилда ташкил этилган. Молия вазирлиги мазкур комиссиянинг ишчи органи сифатида белгилаб қўйилган.

Мазкур комиссия 2019-2020 йиллар мобанида 7 мартта йиғилиш ўтказди. Мазкур йиғилишларда масъул давлат бошқарув органларига халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашни тизимли йўлга қўйиш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Комиссиянинг бир йилдан ортиқроқ даври мобайнидаги фаолияти даврида Ўзбекистон республикаси учун усувор деб белгилаб олинган 24 та халқаро рейтинг ва индекслар доираси, унинг баҳолаш меъзонлари, индикатор ва суб-индикаторлари кўламининг кенглиги бўйича нафақат молиявий омилларни, балки мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий йўналишлардаги барча соҳа ва тармоқларини қамраб олганлиги намоён бўлиб қолди. Шу туфайли мазкур комиссиянинг мақоми кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2-июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида” ПФ-6003-сон Фармони қабул қилинди.



Мазкур Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси бошчилик қиладиган “Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши” ташкил этилди. Ўзбекистон учун устувор деб 24 та халқаро рейтинг ва индекслар белгилаб олинди. Мазкур рейтинглар ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий-ҳуқуқий рейтинглар турларига тавсифланди.

14 ижтимоий-иқтисодий рейтингларга Молия вазирлиги, 10 та сиёсий-ҳуқуқий рейтингларга эса Адлия вазирликлари ишчи орган сифатида бириктирилган.

1-жадвал.

## Ўзбекистон учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар

	<b>Ижтимоий-иқтисодий рейтинглар</b>	<b>Сиёсий – ҳуқуқий рейтинглар</b>
1.	Суверен кредит рейтинглари Sovereign credit ratings	Бошқарув сифати индикаторлари Worldwide Governance Indicators
2.	Бизнес юритиш индекси Doing Business Index	Сиёсий барқарорлик ва зўравонлик / терроризмнинг мавжуд эмаслиги Political Stability and Absence of violence / terrorism
3.	Глобал рақобатбардошлик индекси Global Competitiveness Index	Ҳукумат самарадорлиги Government Effectiveness
4.	Иқтисодий эркинлик индекси Economic Freedom Index	Тартибга солиш сифати Regulatory Quality
5.	Мамлакатларга хос хатарлар таснифлаш тизими OECD Country Risk Classification	Аҳолини фикрини инобатга олиш ва ҳисобдорлик Voice and Accountability
6.	Логистика самарадорлиги индекси Logistics Performance Index	Ҳуқуқ устуворлиги Rule of Law
7.	Бюджет очиқлиги индекси Open Budget Index	Коррупцияни тийиб туриш Control of Corruption
8.	Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси E-government Development Index	Матбуот эркинлиги индекси Press Freedom Index
9.	Инсон камолоти индекси Human Development Index	Коррупцияни қабул қилиш индекси Corruption Perception Index
10.	Барқарор ривожланиш мақсадлари Sustainable Development Goals	Ҳуқуқ устуворлиги индекси Rule of Law Index, World Justice Project
11.	Глобал инновациялар индекси Global Innovation Index	Бошқарув сифати индикаторлари Worldwide Governance Indicators
12.	Статистик салоҳият индекси Statistical Capacity Indicator	
13.	Рақобатбардош саноат унумдорлиги индекси Competitive Industrial Performance Index	
14.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни тартибга солиш чекловлари индекси FDI Regulatory Restrictiveness Index	



Ижтимоий-иқтисодий рейтингларга Молия вазирлиги, Сиёсий-ҳуқуқий рейтингларга Адлия вазирлиги бириктирилганидан ташқари, ҳар бир рейтинг ва индиксга, шунингдек, уларнинг таркибий индикаторларига ҳам алоҳида вазирлик ва идоралар тегишлилиги бўйича масъул этиб тайинланган.

Ўзбекистонда 2017-2022 йиллар мобайнида халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 та қарори ва 6 та фармони қабул қилинган.

2-жадвал.

## Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашнинг институционал асосларини яратиш мақсадида қабул қилинган меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар

	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари
1.	ПҚ-4947 (07.02.2017)	ПФ-3852 (13.07.2018)
2.	ПҚ-5544 (21.09.2018)	ПФ-3917 (22.08.2018)
3.	ПҚ-5635 (17.01.2019)	ПФ-4141 (31.01.2019)
4.	ПҚ-5687 (07.03.2019)	ПФ-4160 (05.02.2019)
5.	ПҚ-4273 (09.04.2019)	ПФ-4210 (25.02.2019)
6.	ПҚ-4525 (20.11.2019)	
7.	ПҚ-246 (18.05.2022)	

Мазкур фармон ва қарорлар ичида учтасини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7-мартдаги “Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида” ПФ-5687-сон Фармони билан “Устувор халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашни мувофиқлаштириш бўйича комиссия” ташкил этиш билан мамлакатимизда халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашнинг институционал даражада йўлга қўйишнинг ҳуқуқий асоси яратиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2-июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ-6003-сон Фармон билан “Устувор халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашни мувофиқлаштириш бўйича комиссия” мақоми кенгайтирилиб Республика Кенгаши ташкил этилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар бўйича 2030 йилгача бўлган самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари (KPI) белгилаб олинди.

2022 йил 18 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашда илмий салоҳият ҳамда амалий фаолият уйғунлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-246 сон қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-



тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4210 қарорининг мантиқий давоми сифатида қабул қилинган ПҚ-246 сон қарор билан:

- 2022 йил 1 июндан бошлаб алоҳида халқаро рейтинг ва индексларга бириктирилган илмий ташкилотлар ўзларига бириктирилган устувор халқаро рейтинг ва индексларнинг таркибий индикаторлари бўйича мамлакатимиздаги мавжуд тизимли хатоликларни бартараф этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва мазкур лойиҳаларни Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастурларига таклиф сифатида киритиб бориш тартиби жорий этилди;
- Инновацион ривожланиш вазирлигига халқаро рейтинг ва индексларнинг паст кўрсаткичли индикаторлари бўйича соҳа ва тармоқлардаги мавжуд тизимли хатоликларни бартараф этиш лойиҳаларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий-амалий тадқиқотларга илмий грантлар ажратиш вазифаси юкланди;
- Давлат органларининг бошқарув кадрларининг устувор халқаро рейтинг ва индекслар бўйича билим ва малакаларини шакллантириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида қисқа муддатли малака ошириш курслари жорий этилди.

Ўзбекистон Республикасида халқаро рейтинг ва индекслар бўйича амалга оширилаётган тизимли ислохотлар натижасида бир қатор йўналишлар бўйича сезиларли даражадаги ўсишга эришилди.

**ХУЛОСА.** Юқоридагиларда келиб чиқиб қўйилогиларни хулоса сифатида қайд этишимиз мумкин:

- Ўзбекистон Республикасида халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашнинг институционал тизими шакллантирилган;
- Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилган;
- Халқаро рейтинг ва индекслар, шунингдек уларнинг таркибий индикатор ва суб-индикаторлари тегшили давлат бошқарув органларига бириктириб берилган;
- Халқаро рейтинг агентликларининг йиллик ҳисоботларидаги мамлакат кўрсаткичлари Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича Республика Кенгаши даражасида Ўзбекистон Республикаси Сенати раиси бошчилигидаги йиғилишларда мунтазам муҳокама қилиб бориш ва олдинда турган долзарб вазифаларни белгилаб олиш амалиёти йўлга қўйилган;
- Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашда давлат органларининг амалий фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида мамлакатнинг илмий хамжамиятининг илмий-тадқиқот салоҳиятини хам жалб этиш механизмлари ишга туширилган.

Шу билан бирга, тадқиқотимиз давомида ўтказилган ижтимоий сўровларда ўз тасдиғини топган бир қатор ҳолатларни хам таъкидлаб, бу йўналишдаги ишларни тизимли йўлга қўйиш ва жадаллаштириш мақсадга мувофиқдир:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги таркибидаги бирорта олий таълим муассасаларининг битирувчилари ўзлари танлаган ихтисосликлар бўйича қандай халқаро рейтинг ва индекслар мавжудлигини билмайдилар. Бу ҳолат олий таълим муассасаларида талабаларнинг танлаган ихтисосликлари йўналишидаги



халқаро рейтинг агентликларининг фаолиятига оид ихтисослик фанлари киритилмаганлиги билан ифодаланади;

2. Давлат бошқарув органлари мамлакатни кейинги йилдаги амалга ошириладиган давлат дастурларига таклифлар ишлаб чиқишда, тегишли соҳалардаги халқаро рейтинг ва индексларни баҳолаш методикаларидаги таркибий индикатор ва суб-индикаторлар бўйича тегишли соҳа ва тармоқ ёки ҳудудий бирликлардаги мавжуд тизимли хатоликларни бартараф этишга таъсир этувчи баҳолаш меъзонлари инobatга олинмайди;

3. Давлат хизматчилари ўзлари фаолият юритаётган соҳа ва тармоқларга оид халқаро рейтинг ва индекслар ҳақида билим ва малакага эга эмас.

4. Рейтинг агентликларининг баҳолаш методикалари, уларни таркибий индикатор ва суб индикаторлари бўйича соҳа ва тармоқлар ҳамда ҳудудлар қирқимида қандай тизимли хатоликлар борлигини аниқлаш механизмлари мавжуд эмас.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда тегишли соҳа ва тармоқлардаги халқаро рейтинг ва индексларнинг методикаларидаги баҳолаш меъзонлари, жумладан тегишли индикатор ва суб-индикаторлари бўйича мамлакатнинг рейтинг кўрсаткичлари давлат бошқарув органлари фаолияти самарадорлигининг баҳолашдаги асосий кўрсаткичлари, яъни фаолиятини баҳолаш меъзони сифатида расман белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4210 қарори;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7-мартдаги “Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чоратадбирларни тизимлаштириш тўғрисида” ПФ-5687-сон Фармони;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2-июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида” ПФ-6003-сон Фармони;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 майдаги “Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашда илмий салоҳият ҳамда амалий фаолият уйғунлигини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-246 сон қарори;
5. Уличкина И.А., Уличкин Л.Ш. Рейтинг агентликларининг фаолияти: халқаро ва Россия тажрибаси. Journal of Economy and Business, vol. 5-4, DOI: 10.24411/2411-0450-2019-10736
6. Юрасова М.В. Рейтинг муваффақиятни ўлчаш инструменти сифатида: тарафдорлар ва қаршиликлар. Юрасова М.В. - Социология фанлар номзоди, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат Университети Социология факультетининг Ташкилотлар социологияси ва менеджменти кафедраси доценти



7. Шаграй А.С., Берсегян Л.М., Рейтинг агентликлари ва уларнинг молиявий бозорларга таъсири. Белорус давлат Университетининг Бошқарув ва ижтимоий технологиялар институти.[core.ac.uk/download/pdf/290233037.pdf](http://core.ac.uk/download/pdf/290233037.pdf)
8. [www.ratings.gov.uz](http://www.ratings.gov.uz) - Ўзбекистон Республикаси Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш Республика Кенгашининг расмий сайти;
9. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) - Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси;
10. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси сайти.